





# Адабиёт ва санъат

## \* Буюк сиймолаи

### Имом ал-Бухорий

ИСЛОМ оламидаги энг улғу муҳаддисларнинг аксари Моваруннаҳрдан эканлигини бугун кўпчилик фахр ила эътибор этмоқда. Номи жаҳонда эҳтиром билан зикр этиладиган Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат Термизий, Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Абд ар Раҳмон-ад Доримий ас Самарқандий, Касийй бўйида туғилган Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа ва бошқа фазли илмлар қаторида Имом Исмоил ал-Бухорийнинг муборак номи энг олдинги ўринда туради.

Буюк муҳаддиснинг номи тўлалигича Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғра ибн Бордабаҳ ал-Жуафий ал-Бухорийдир. Ул зоти муборакнинг падари бузруквори ҳам етук олимадан саналиб, ўгли туғилган кунни, ўз номи насабни батафсил битиб қолдирган. Шу сабаб имом Бухорийнинг таваллуди аниқ деб саналади.

Имом ал-Бухорий ўн ёшларга етганда ҳадис илмига иштиёқ билан киришди. Эшитган ҳар бир ҳадисни ёдлаб, хотирига муҳрилади. Устоз Шайх Доҳиллий билан ҳадис ривоятчилари борасида мунозаралар олиб боради. Айтишларича ул зот устозларини ҳақ эканликларига ишонтирган эканлар.

Бўлажак муҳаддис ўн олти ёшига етганда замонасининг пешадам олими Абдуллох ибн Муборакнинг ҳадис тўпламларини ўқиб-урганган. Ёд олган, ҳадис ва фикҳ (ислом диний қону-қондалари билан шуғулланадиган илм)ни мукамал эгаллаган.

Имом Бухорий Макка мукаррама Мадина мунаввара зиёратига борган. Мадинада, Муҳаммад пайгамбарнинг мақбараси ёнида яшаб, ўзининг энг буюк асарларини ёзган. Бу пайтда ул зоти муборак 18 ёшида бўлган. «Қазоий ас-Саҳобат ваттобиъин» («Саҳобалар ва тобиъинлар масаллари»), «Тарихи Кабир» («Катта тарих») шу тариқа дунёга келган.

Имом Бухорий илм ўрганиш иштиёқида Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби Шарқнинг ўша пайтдаги катта шаҳарларига сафар қилган, ўша ерда истиқомат қиладиган олиму фозиллардан сабоқ олган, ўзи ҳам толиби илмларга дарс берган.

Имом Бухорий ҳақида қўлаб ибратли ҳикоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, ул зоти муборак алломаи замоналарнинг бирдан таълим олар экан. Бошқа талабалар муҳаддиснинг сўзларини ёд олишса, имом Бухорий умуман қўёз-қалмасиз сабоқларга иштирок этар экан. Талабалар йиғилишиб, Имом Бухорийни синамоқчи бўлишди ва ундан бир неча кун аввалги сабоқни сурашибди. Шунда ул зоти муборак ўн-ўн беш кун аввалги ўтилган сабоқларни мукамал айтиб берган.

Буюк муҳаддис она юртлири Бухорога қайтган, ҳадис илмини тарғиб этишга киришди. Аммо унинг Бухоро амира билан ораси бузилди ва Самарқанд вилояти яқинидаги Хартан қишлоғига қўчи кетишга мажбур бўлади ва 869 йилда 62 ёшда ўша ерда вафот этди.

1974 йилда буюк муҳаддис Имом Исмоил ал-Бухорийнинг 1200 йиллигига бағишланган жаҳон анжумани ўтказилди. Унинг «Ал-Адаб-ал-Муфрад», «Ал-Жомий-ас-Саҳих» китоблари чоп этилди.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий-ас-Саҳих» («Ҳаққоний тўплам») деб номланган 4 жилд (жуздан) иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ҳаққоний, ишонarli ва мукамалдир. Тўпламга 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг «саҳих» («ҳаққоний»)лари киритилган. Маъқур тўплам Миср ва бошқа бир қанча мамлакатларда жуда кўп марта чоп этилган, унга йirik уламолар томонидан шарҳлар битилган.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Қомуслар Бош таҳриратига томонидан чоп этилмоқда. Унинг биринчи килди ҳозир халқимиз орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

## «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» КИТОВИДАН

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

### I-БОБ. ЖАНОВ УЛ РАББИЛ ОЛАМИННИНГ: «БИЗ ҲАММА ИНСОНЛАРГА ОТА-ОНАЛАРИГА ЯХШИЛИК ҚИЛМОҚЛАРИНИ БУЮРДИК» ДЕГАН ОЯТИ ҚАРИМАСИ ҲАҚИДА.

1-ҲАДИС. Абдуллох ибн Масъуд розиёллоху анху айтдилар: мен Расулulloх саллоллоху алайһи ва саламдан қиладиган амалларимиздан Аллох Таолога энг севимлиси қайси, деб сўрадим. Расулulloх: «Фарз намозларини ўз вақтида ўқиш», — дедилар. Мен: «Ундан кейин қайси» десам, Расулulloх: «Ундан кейин Аллох Таоло йўлида жиход қилиш», — дедилар. Абдуллох ибн Масъуд: «Расулulloхдан мен шуларнингизга сўрадим. Агар саволимни қанча давом этдирсам Расулulloх ҳаммасига жавоб айтверардилар», — дедилар.

2-ҲАДИС. Абдуллох ибн Умар розиёллоху анхудан ривоят қилинди. У киши: «Аллох Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг газиби ҳам отанинг газибига боғлиқдир», — дедилар.

### II-БОБ. ОНАНИ РОЗИ ҚИЛИШ ҲАҚИДА.

3-ҲАДИС. Мусовийа ибн Ҳайнда розиёллоху анху айтдиларки, Расулulloхдан: «Эй Расулulloх, мен яхшиликнинг кимга қилсам бўлади?» — деб сўрадим. «Онангга», — дедилар. Мен шу саволимни уч мартаба қайтарсам ҳам, Расулulloх: «Онангга», — дедилар. Тўртинчи мартаба сўраганимда: «Онагга ва яқин бўлган қариндошларингга», — дедилар.

4-ҲАДИС. Абдуллох ибн Аббос розиёллоху анху олдларига бир киши келиб: «Мен бир хотинга совчи юбордим. У мени қабул қилмай, бошқа бир кишига тегиб кетди. Бу ишдан мажлим чиқиб, у хотинни ўлдирган эдим. Энди нима қилсам Аллох Таоло тавбамни қабул қилади?» — деб сўради. Шунда Абдуллох «Онанг барҳайти» — дедилар. У: «Йўқ, вафот этгани», — деган эди. Абдуллох: «Ундай бўлса Аллох Таолога тавба қил ва тоқатинг борича тоат-ибодат қилиб унга яқин бўлишга ҳаракат қил», — дедилар. Шу ҳадисни ривоят қилган Ато ибн Ясор айтдилар: «Мен Абдуллох ибн Аббосга бориб, сиз нима учун у кишидан онанг тирикми деб сўрадингиз, деганимда, у киши «Аллох Таолога онани рози қилишдан мажбурлоқ ҳеч бир амал борлигини мен билмайман. Шунинг учун ундан онанг тирикми, деб сўраган эдим», — дедилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА Ҳалима Худойбердиева шеърятига мафтун бўлмаган назм шайхлари топиламан керак. Унинг оташин руҳидаги шеърлари, лирик дostonлари алпақон халқимиз томонидан севиб мутлола қилинмоқда. «Саодат» ойномаси бош муҳаррири бўлиб ишлаётган, Ўзбекистон халқ номбаси сифатида фойлаят кўрсатётган шоиранинг кейинги йилларда публицистик чиқишлари бarchанинг диққатини ўзига тортмоқда. «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Юрагимнинг огрик нуқталари» публицистик китоби фикримизнинг далилидир. Китоби айлариимиз шайига айтилган эйтирбога, дардага йўрилган қасида деб номласак тўри бўлади. Китобнинг муқовасида қўламада чоп этилган «Аёлга бош уриш» шеъри фикримизга жуда мос.

Маъмурдан ўрин олган асарлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлгани билан, уларнинг деярли барчаси жамият ва аёл, бурч ва аёл, фарзанд ва аёл сингари аcriй масалалар ҳусусида бахс юртади. «Аёлнинг кўнгли байрами» бадиаси билан оқилданган китоби таҳлил қилмоқдан кўра ибрат қилиб кўрсатмоқ жоиздир. Аёлнинг кўнгли байрами! Аслида эркин, озод меҳнатга эришган айлариимизнинг ҳар кунги кўнгли байрами эмасми! Муаллиф бадида бади: «Бугунги кунда биз киннагачи эришган бўлсак, жамиятимиз кишилари ўз юкларини озим-кўпми юксаликка чиқара олган бўлса, бу юкларнинг ярмидан кўп қисмини мана шу фаришасифат аёллар — кумҳуриятнинг ишчи, хизматчи, деҳқон аёллари ўз назик елкаларида чиқариб бердилар. Бу кўриниб

юкларнинг ярмидан кўп қисмини мана шу фаришасифат аёллар — кумҳуриятнинг ишчи, хизматчи, деҳқон аёллари ўз назик елкаларида чиқариб бердилар. Бу кўриниб чорал Ҳалима Худойбердиева маъсум сатрларда юраги куйиб буни исботлаб беради. Худайи шу манаода «Халқ тилига айланган аёллар», «Куйиниб қараган



Ҳалима Худойбердиева «ЮРАГИМНИНГ ОГРИК НУҚТАЛАРИ»

## \* Илҳам тақриз ДАРДЛИ ҚАСИДА

турган ҳақиқатларни тан олмаслик ҳеч бўлмаганда ноинсофлик бўлур эди. Шу нуқтан назардан қараганда аёл эркин эришиб фақат туғиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини қўлга киритган, холос. Демак, уларнинг даяллашиб қолган қалбларига илиқ сўз, меҳрибонлик зарур. Ана шундай аёл кўнглига байрам баҳс этadиган

гусса барқарор». «Икки қўлда ҳам малҳам тутиб», «Аёл эл қилади аслида элли» сингари бадиалар ўткир, ҳозиржавоблиги билан укувчи қалбига титроқ солади. Ҳалима Худойбердиева бирон марта ҳам давр, замон ташвишларидан бўйин торتماган. У ҳаммиса ўзини ижтимоий ҳаётга дахлдор деб билиб, аёл ҳимояси учун сўз — ай-

## \* Назм чечаклари

### БҮЛИПТУР (НОВОЙ ҲАЗАЛИГА МУХАММАС)

Ажабки, жоно, савдо бўлиптур, Ишқинг бу жоғга яро бўлиптур, Сендин бу жафо бало бўлиптур, Қузинг не бало қаро бўлиптур, Ким жонга қаро бало бўлиптур.

Дардинг бу даво, десалар ишон, Беморнинг еру давоси осон, Етмоқни анга эмасди осон, Ишқ ичра анинг фидоси қоз жон, Ҳар жонки санга фидо бўлиптур.

Ҳаво бўлиптур то жонга боқиб, Кавоний илмидин гўёни жоғиб, Улатда ким ишқинг фароғи, Боқиб топар улки, бўлиб фойиб, Раҳаврага бақо фано бўлиптур.

### ЁНИМГА КЕЛ, УМРИМ БАҲОРИ

Яна баҳор билан ўранди замни Бу қадим тупроққа шопар кўп шеҳмон. Кўш ёзаётир осмонинг номини, Сийнаси тил-тилик — эҳ-хе нурафшон. Куртақлар тилини чиқарар яшил, Қанапал бир-бирни куйиб овера, Даралар сувидан сойликлар ҳосил, Пишқирар етугича ерга тобора. Кумуш қор чўққида, кўш санган нур Водийлар бағрини этди тўқин Қизлар ёноғидан қиламиз ҳузур Висола етолмай қарамоқ ўқини.

Безовта боқди юракнинг қўзи! Усмирнинг ўсибди лабда сабзаси... Девор оқсатга отди даста гул, Балқ бекор қолар — дил жазаваси, Балқи бахт қучоғи очилар буткул!

Баҳор кириб келди, ҳаёт ҳам нурли, Уфқда қарасанг: қўрмак, зангори, Ерда яшмоқлик тотли, ҳузурли, Баҳорда дилнинг ҳам эрийди қори. Водийда шабада юрибди сармаст, Лола қадаҳлардан май ичиб йўлда, Ораун элвийди шоҳлар басма-бас, Юз очган гунчалар кулади қўлда. Хандон таралди — олмос сержаранг, Еки бу зиллолнинг қирғоққа суян, Е қиз қаҳқаҳаси — атрофга қаранг!

## \* Иштиролар қандай яратилади? ПАЛЛАДИЙНИНГ САЙРУ СЛЁҲАТИ.

ПАЛЛАДИЙ элементи инглиз кимёлари ва физики Уильям Волластон томонидан 1803 йилда ишлов берилмаган ҳомки платинани шох ағари эритмасига солиб таҳқиқот олиб борилаётганда топилган эди.

Олим бу металдан анчагинасини олган бўлса-да, у ўзининг бу ихтироси тўғрисида бирор ерда ёзиб овоза қилмади. Аммо бунинг ўрнига ушайқот тарихида Лондондаги Форстернинг минераллар билан савдо қилувчи дўконда ўз таркибиде аксийиб, қимматбозо кумуш тузган янги палладий метали сотилаётгани ҳақидаги яширин ривожани тарқатди. Бу гаплар кимёгар Ченевикнинг қулгоғига ҳам етиб келди. Табиийки, у ҳам бу хабар билан қизиқиб қолди. Сўнг дўконга ташириб буюриб, янги металл намунасини ўрганиб чиқди. Натижанда бу металл рус олими А. Я. Мусин-Пушкин усулида олинган платинанинг симболи қотишмасидан иборат эканлиги тўғрисидаги таҳминга келиб тўхтади. Ченевик ўз фикрларини матбуотда ёзиб чиқди. Яширин ташвиқотчилар унинг бу ишига жавобан «Агарда кимда-ким бу янги металлни сунъий равишда тайёрлай олса, ушанга 20 фунт стерлинг тўлашга тайёрми», деган хабарни тарқатишди. Табиийки, на Ченевикнинг, на бошқа бирор кимёгарнинг қўлидан бу ишни қилиш келмас эди.

Орадан бир қанча вақт ўтган, Волластон палладий элементининг ихтироси эканлигини расман эълон қилди ва уни ҳомки платинадан қандай қилиб олиш кераклигини ҳам ёзиб чиқди.

Волластон ўз ихтироси номини Палладий деб атади. У бу номни ушбу воқеадан сал илгари, яъни 1801 йилда кичик сайёра очган ва уни Палладий деб атаган немис астрономи Ольберснинг кашфиёти шарафига қўйганди.

## ИККИ БОР КАШФ ҚИЛИНГАН

СИЗ ванадий элементини биласиз. Лекин уни икки марта кашф қилингандан хабарингиз борми?

Мексикалик кимёгар ва минеролог Андрес Мануэль дель-Рио 1801 йилда ўз тажрибонасида Мексика рудасининг таҳқиқ этиш жараёнида номгўлу металлнинг оксиди ва тузини ажратиб олди. Бу бирикмалар турли хил бўёқ рангини бергани учун олим янги элементни ванкром деб атади. Кейинчалик бу элементнинг қизил рангда жилданиб турган қорчи оксиди ҳамда яна бир қанча гузаларини олган, унга эритроний деган номин берди. Эритроний — грекча сўз бўлиб, қизил рангга бўялагани, деган маънони англатади.

Бирок, дель-Рионинг янги элемент ихтироси қилганлиги тўғрисидаги хабар олимлар орасида шубҳа туғдирди. Кимёгарлар унинг анализларининг аниқлигига гумонсиз раб қаради. Шунинг учун олим ўз тажрибаларини қайтадан ўтказишга мажбур бўлди ва натижада ўзи учун ноқуш хулосага келди: у ўзи ўйлаганчалик янги элементга дуч келмаган, балки тоза бўлмаган хром билан таҳқиқот ўтказган экан.

Орадан 30 йил ўтган, машҳур кимёгар олим Верцеллус қўлида ишлаётган швед кимёгар Сефстрем худди шундай элементни Швециядаги Таберг қонидан олинган чуён рудаси таркибиде борлигини аниқлади. У ўз устоз Верцеллус билан биргаликда бу — янгитдан кашф этилган элемент учун янги ном ўйлаб топди. Уни қадимги скандинав афсонасидаги Ванад ва Фрейя деган икки ном билан аталадиган маъбуд шарафига ванадий деб номлади. Кейинчалик Германияда бошқа барча мамлакатларда бу элемент ванадий деб атала бошлади.

Аҳдам ДАМИНОВ тайёрлаган.

## ТОМОША ДАВОМ ЭТАДИ

БИР ҳафта давомида шахримизда ажиб бир туғён ҳоқиллик қилди. Урта Осиё ва Қозоғистон театрларининг фестивали минглаб санъат шайхдорларини Ҳамза, Абдор Ҳидоятлов номли, рус ёш томошбинлар театрлари бағрига чорлади. У ерда намойиш этилган турли мавзулардаги ўндан ошиқ томошалар ҳам, шаҳарларимизга манзур бўлди. Фестивалга ташриф буюрган чет эллик санъат намояндalарини ҳам ушбу анжумандан кўнгиллари тўлиб қайтишди. Бир ҳафта давомида туркистонлик санъаткорлар тайёрлаган «Дали думбул», қирғизистонлик артистлар ижросидаги «Алп Манас», қозоғистонлик санъаткорлар келтирган «Асрга татигулик кун», тожикистонлик дўстларимиз ижросидаги «Оқсоқолнинг эртаги», Юсуфнинг Шакаржонно номли Фарғона вилояти театрининг «Тошкентга савҳат» ва ниҳоят, Абдор Ҳидоятлов номли ўзбек давлат драма театрининг «Искандар» спектаклини фестивалнинг чинакам бeзаклари бўлди. Танлов ҳайъати ўз ишига яқин ясади. Голлиблар аниқланди. Шундай қилиб, «Наврўз-92» томошалари тугади, парда ёзилди. Лекин ниҳодкорлик, изланиш бир лаҳза тиниб билмай давом этади. Чунки оғдинда икки йилдан кейинги Наврўз айёмида урашува барчамизни кутмоқда. СУРАТЛАРДА: фестивал томошалари ва учрашувлардан лавҳалар. Даврон Аҳмад суратлари.



ҳифаларда халқимизнинг қадимий ва аъёнаний байрамларидан ҳисобланган — Наврўзнинг шарафловчи мақолалар ўрин олган. «Амалий ишлар даври» сарлаҳали мақолада Жиззах вилояти Дўстлик тумани кенгаши раиси Н. Қаномов бугунги долзарб масалалар борасида муштарийлар билан ўртоқлашди. Маълумки, Улеу бобокалимиз Алишер Навоий узидан сон-саноксиз хайрли нилар қолдирган. У нафақат шеърятга, балки боғи-истроҳатчилик санъати ва мейворатчилик ишларига ҳам жуда қизиққан, гоат ихлос қўйган. А. Уроловнинг «Алишер Навоий боғлари» мақолада ана шу борада батафсил

маълумот берилган. Ойнамадан бир қатор таърихий мавзудаги мақолалар ҳам ўрин олган. Жулмадан Маҳкам Андижонийнинг «Маҳмуд Газнавий», Ш. Каримовнинг «Тарихий ҳақиқат муқаддасдир» мақолалари шулар қуйида. Шунингдек ҳам муштарийлар ҳужмига

миллий истиқлоли масалаларини мақоласининг давоми чоп этилган. Бундан ташқари Гоий Назарнинг «Яхшиликнинг боғи», Маҳмуд Сатторнинг «Умри узун удулар» сарлаҳали чиқишлари, Абдулмамид Азимнинг янги шеърлари, «Нурноманинг давоми ҳам муштарийлар ҳужмига ҳавола этилган.

\* Ойноманинг янги сонлари «МУЛОҚОТ»

БУ гал ойноманинг март ва апрель сонлари қўшиб чиқарилган. Унинг дастлабки са-

НОН... Шу биргина сўз замирида қанчадан-қанча маъно ётади. Ноннинг ҳаётин, кут-баракани, маъмули турмушини кўз олдимизга келтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсоният нонни дунёдаги барча бойликлардан олтин, қумуш, тавҳардан устун қўяди. Айниқса, шарқ халқлари нонни жуда эъзозлайди. Нон ёнида, дастурхонимизни ўз-ўзидан беэмомлади, албатта. Уни ердан ундириб олиш учун бободехон озмулча тер тўнмайди дейсизми?

ларни молларига, моллари йўқлар эса ариларига ва ахлатхоналарга агарди не-тишмоқда. Бу нонқўрлик эмасми, ахир? Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш авалам-бор ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг вазифаси ва бурчидир. Еш болага ти-

урнига кунжара еб, ошқон-зонда ҳазм бўлмай шишиб Улган кишилари, нон ўрни-га гуручнинг кепларини ата-ла қилиб ичкларини кўр-гайман. Онам раҳматининг куйидаги сўзлари ҳали-ҳали кўлдонимга кетмайди: «Болам, йўқчилик, очарчи-лик, қийинчиликни биз кўр-дик. Сенлар кўрманлар.

кетар экан, яқинда онамнинг ўз кўзи билан кўрган бир воқеани ўқувчиларимга сўзлаб бердим. 1930 йилда кўрғоқчилик бўлиб, экин битмади. Ҳамма оқиндан ўлиб қолмаслик учун боши оққан томонга кетарди. Биз беш жон эдик. Ўғлимнинг адоғи йўқ. Оч, юпунимиз, толиққанмиз.

яқинлашганимизда икки шергимиза очлидан жон берди. Она, бола ва мен қолдим. Қишлоққа етиб келгач, суяк теришга тушиб кетдик. Қоронги тушганда суякларни қайнатиб, сувини ичдик. Суякларнинг сунни жуда мазаали бўлар экан.

Ухлас, шу кунги тарбия соатимиз нон қадри ҳақида борди. Мен бир тишлап тишланган ноннинг сирини айтиб бердим. Одатда туркий халқлар нонни қадрлаб, эъзозлаб келишган. Шу бонс ўзбек оилаларида узоқ сафарга чиққан ўғил-қизлари ва эрларига нон тишлатиб, қолган нонни де-ворга илиб қўйишади. Бу ўғил-қизларимиз хизмат бурчидан ёки узоқ сафاردан эсон-омон қайтсан, келганда ўша нондан қайтадан тиш-ласин деган маънони бил-диради. Сирасини айтганда, мактабда шу маъмулдаги тарбия соатларини ўтказиб туриш фойдадан ҳоли бўл-майди.

Қадирбой Тўлабоев, олий тоифадан ўқитувчи.

\* Нон — ризқ-рўзимиз

# АРПА-БУҒДОЙ ОШ ЭКАН...

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳозирги бозор иқтисодий шартини ва таъчилликка қарамай, шаҳримиз дўконларида нонларнинг турли хилдини учратиб шуман. Афсуски, бундай ўзиничлик қадрига етмаётган баъзи бир ношукр бадаларни кўриб дилинг хуфтон бўлади. киши. Ҳозирги таъчиллик даврида ошхоналарда, мактаб емо-хоналарида, ликопчаларда қолган нон бўлганлари, уш-қларнинг кўриб асабларинг янада тарағ тортади. Уй эгалари қотган-қутган нон-

ли чиққанидан бошлаб ноннинг қадр-қиммати, нон бўл-мас, ҳаёт ҳам бўлмаслиги, мисол тариқасида 1913, 1930, 1933, 1941-йилларда нон йўқлигидан қанчадан-қанча одамларнинг қирилиб кетганини аниқ факт ва далиллар билан тушунти-риб борилса, нон қадрига етган бўларди.

Нонни эъзозла. Нонинг бўл-мас, орттирган мол-дунёнинг бир пул. Қўлларига тилла узугу, бўйинларига қиммат-баҳо тақинчоқлар, қўлоқ-ларига эса тилла балдоқ-ларини осиб юрганларнинг нон тополмай оқидан ўлган-ларини кўрганман. Халқ «арпа-буғдой ош экан, ол-на-қумуш тош экан» деб бежиз айтмаган.

— Ойи... ой... и...  
— Ни-ма, бо-лам?  
— Нон... нон беринг, нон...  
— Ҳозир, болам, ҳозир. Оғина қолди. Бироз сабр қилгин. Нон бўлади.  
— Нон... нон ейман, юрولмайман...  
— Айланай болам. Озгина чидагин... Ух, жоним.  
— Ух, мадад бер! Белгиланган манзилга

## \* Шаҳримиз ўзиниқлариди

# «ТАБАНИ» ҲОМИЙЛИГИДА

Маълумки, шаҳримиздаги агрегат заво-дининг замонавий ўйингоҳида кунин кеча яна бир аниқ спорт тадбири «Табани» футбол оқ компанияси фирмасининг соври-ни учун футбол бўйича шаҳарнинг оқиқ чемпиолати бошлади. Ҳозирги бозор иқ-тисодий шартларда бу млк тижорат

спорт мусобақаларидан бири десак зи-ғилмаймиз. Биз турнир ташкилий коми-тетининг раиси, Акмал Исромов район ёшлар иттифоқи комитетининг ўқувчи ёш-лар бўлимининг мудири Шухрат Турдиев-га мусобақа ҳусусида сўзлаб беришни ил-тимос қилдик.

ўйингоҳларда ўтказилган! — 12 жамов икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашуларни бошлаб юборишди. Ҳар бир гуруҳда биринчи, иккинчи ўри-ларни эгаллаган командалар дастлаб ярим финалда куч сынашади. Сўнг эса гелиблар аниқланади. Умуман, энг кучли жамов етти ўйинчи йиғинчилик билан ўтказган-дан сўнг маълум бўлади. Уйинлар коман-да аъзоларининг меҳнат жамоаларидан эканлигини ҳисобга олган ҳолда шанба ва якшанба кунлари ўтказилган. Илк белла-шулар агрегат заводининг ўйингоҳида бўлиб ўтди. Баъзи учрашуларни «Тек-стилик» ўйингоҳида ўтказмоқчимиз. «Ўзбек-сельмаш» заводининг ўйингоҳи эса эски-рада бўлади. Турнирнинг муваммал ўйин-лари жадалини тузди. Мусобақанинг ҳакам, ҳакими Бутуниттифоқ тоифасиди ҳакам, Ўзбекистон Республикасининг Давлат уст-ози Владимир Копневдир.

Ушбу тижорат мусобақаларини ўткази-ш ҳоиси қандай туглади! — Утган йилнинг октябр ойида ҳам халқимиз ўртасида оммавий спортни ри-вожлантириш, қолверса ҳозирги оғир пайтларда ёшларни қийинчиликлардан оз бўлсада қалғитиб хурсанд қилиш мақсади-да футбол бўйича илк тижорат турнирини ўтказгандик. Унда райондаги 8 коман-да қатнашган, шаҳримиздаги заргарлик заводи ва «Тоштинери» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхоналари мусобақаларга ҳоми-лик қилишган эди. Турнир якунланиб, гелибларга соврилар топширилатган пайтда жамов сардорлари ва ўйинчилари мусобақалар анъанавий бўлиб қолсин деб, илтимос қилишган эди. Шундан сўнг тур-нирни март ойида шаҳар миқёсида ўткази-шни режалаштириб, бу ишга бош бўла-диган ҳомиёлари излай бошладик. Янги йилдан олдин Москвадаги «Алиса» бир-жаси, Россиянинг «Униксомбанк», Россия савдо уйи биржаси, Донецкдаги «Полос» суеурта компанияси, Тбилисдаги «Олтин руно» тижорат банкларига мурожаат қилдик. Улар ўйлаб кўрармиз, қабилда жавоб беришди. Янги йилдан кейин эса, ўзингизга маълум, Иттифоқ бутунлай парчаланиб кетганидан, республикаларнинг тўла мустақилликка эришишгани сабабли уллардан рад жавобини олдик. Охири Покистондаги «Табани» футбол оқ компанияси фирмасининг Ўзбекистондаги вакили жа-ноб Муҳаммад Аббосовга мурожаат эдик. У режаларимиз билан қизиқди. Дастур тайёр эди. Дарҳол олиб бордик. Футбол турнирини ўтказишдан ташқари шаҳар олий билимгоҳлари ўртасида «Кўн-оқлар ва толқирлар» ҳамда «Балли, қизлар» эстрада беллашуларини ҳам ўтказиш ниятимиз бор эди. Бу ордада «Табани» фирмасининг соҳибби жаноб Ёкуб Табани ҳам шаҳримизга келиб, дастуримиз билан танишди. Ва ўзи ҳам фут-болнинг ашаддий ишқибозларидан бўл-гани учун турнирга ҳомилик қилишга рози-лик берди.

— Турнирни ўтказишга бош-қош бўлган ташкилий комитет аъзолари билан ҳам таништириб ўтганмиз. — Тошкентнинг ушбу оқиқ биринчили-ги Акмал Исромов район ёшлар иттифо-қи ҳамда район спорт комитетлари томонидан ўтказилган. Ташкилий комитет тарихида қаминга, район ёшлар иттифоқи комитетининг биринчи котиби Шавкат Эргашев, ёшлар иттифоқи комитети т а ш к и л и й бўлган йўриқчиси Бахтиёр Султонов ва район спорт коми-тетининг раиси Нажиб Арсоновлар бор. Турнирни ўтказишга доир барча ишлар-ни биргаликда баҳамжиқатлик билан ҳал этмоқдамиз.

— Омон бўлсан, турнирни анъанавий равишда ўтказиш учун бор куч-ғайрати-мизми сарфлаймиз. Кўнорли жойи шундаки, жаноб Му-ҳаммад Аббосов бизни ҳоми сифатида доимо қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Шу йилнинг сентябрь ойида республика миқёсидаги футбол бўйича тижорат тур-нирини ўтказмоқчимиз. Ушбу турнирда собиқ иттифоқ жамоалари ҳам иштирок этиб ажаб эмас. Мусобақаларнинг номини эса ўйлаб кўрамиз.

— Кечирасизу, бироз ноқулайроқ бўл-са ҳам ҳақин савол туғлади. «Табани» фирмаси учун турнирга ҳомилик қилиш-дан бирор-бир манфаат борми! — Оқиқ биринчилида барча футболчил-лар майаларида «Табани» нишонини бўлга-ни ҳолда майдонга тушадилар. Бозор иқ-тисодий шартлариди эса реклама бар-ча нарсадан устун туради.

— Келгусида йирки мусобақалар ўтказиб шаҳримиз доврғини жаҳонга ёйишишга тивладошимиз.

— Раҳмат. Сўхбатни Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.



Шаҳримизнинг Юнусовод даҳасида жойлашган 479-болалар боғчасида 290 бола тарбияланади. Бу ерда ўзларинг бармақол инсонлар бўлиб етишишни йилда бир-бирдан ранг-баранг тадбирлар ўтказилади. Яқинда ўтказилган тадбир ушбу фикримизнинг далилидир. СУРАТЛАРДА: боғчада ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Рустам Шарипов суратлари.

## ДАСТУРЛАР — ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА

ТОШКЕНТДАГИ Ўзбекистон Халқ кўнвалиги йотуқлари кўр-ғазмасида иккундан ўқувчиларнинг «Республика» ўқув-кўрғазмаси курилиши кўр-ғазмасига кўрник бўлиб ўтди. Кўрғазмага халқ таълимининг 18 йўналиши бўйича ишлар тавсия этилди. Ўз навбатда жумҳурият бўйича мамбуиш этилаётган ишлар вилоят ва шаҳар кўрғазма гелиб деб топишган энг аш ишлардир. Кўрғазманинг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» бў-лимга қўйилган ишланмалар кўпчилигини диққатини ўзинг тордик. Муаллимларнинг ўз қўллар билан яратган турли фаиллардан тизилган дастур-лар, амалий қўлғашга доир ишлар, мактабдоп электроникага онд воситалар мутахас-сислар ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари то-мондан муносиб баҳолан-ди. Ишланмаларнинг танархи, оммалаштириш қўламинини ҳи-собга олган ҳолда баъзи эйтиборга лойиқ ишлар рес-публика корхоналарида кў-лайтирилиб халқ таълимидида қўлғашга тавсия этилди. Ай-ниқса дастур воситаларига катта эйтибор берилди. Маълумки, бундай дастурларни яратиш катта илмий-майтиқий кучни талаб этади. Тошкент шаҳри муаллимлари Т. Аз-ларов, М. Синельников, Са-марқанд вилоятидан муаллим-лар С. Отамуратов, Э. Ота-муратов, наманганлик И. Сот-муров, И. Аминов, самар-қандлик Д. Қодировлар ярат-ган дастурлар, ишланмалар мактабдоп бўлиб, ўқув жара-ёнига қўллаш мумкин, деган ҳулосага келишди. Маълумки, илгари халқ таълимига ўқув дастурлари, кўрғазмали кў-роллер марказдан олиб ке-линерди. Иттифоқ тарқалган бир шаронда бундай кўрғаз-маларни уюштириш айна мудаодир. Энди иштироки муаллимларнинг жумҳурият кўрғазмаларини ҳар йили ўт-казиб турниш мўлжалланмоқ-да. Кўрник гелибларга эса Халқ таълимни вазирилик ҳамда республика Халқ кўнвалиги йотуқлари кўрғазмасининг пул мунофотлари, махус кўрқа-дан тақияладан ишонилар, турли даражадаги дипломллар билан тақдирландилар. Бахтиёр КАРИМОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

## ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириги  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Х. З. ҚАЛОНОВ НОМЛИ ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ  
Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш (БҲТ) соҳаларига доир касбларни эгалламоқчи бўлган барчага

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ ШАҚИЛЛАРИНИ, ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ (интеграл ва кўп бошқичли ўқув режалари, яқка тартибдаги ўқув режаси таркибига кирувчи фаилларни танлаш, фаиллар бўйича синов мулоқотларини ўтказиш, рўшунослик-педагогик ташхис ва ҳоказолар)НИ

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ  
Узлуқсиз касбий таълим тизими олий ҳунар билми юртининг бош қондасидир. Таълимнинг ҳар бир йили — бу эгалланган касб-ҳунар ва ўз билим ҳамда иқтидорини халқ хўжалигига бахшида этни мақсадида ишлаб чиқариш сарғи йўли олиш имкониети демекдир. Ҳар бир йил навбатдаги таълим бошқичининг танловинида иштирок этишдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига янги ахборот технологиялари ва бошқарувни ҳуж-жатлар билан таъминлаш соҳасида ишчиликдан муҳайясликкача бўлган бир неча мутахассислик малакасини эгаллаш имкониетини яратиб беради. Ўқиш муддати — 1 йилдан 6 йилгача.  
Ўқишга Тошкент шаҳрида қайд қилинган, ўрта мактабларнинг 9 ва 11-синфларини битирган шах-лар қабул қилинади. Ўқиш — ўзбек ва рус тилла-рида олиб борилади.

ТАНЛОВ САРАЛАШИ 3 БОШҚИЧДА УТКАЗИЛАДИ:  
1-бошқич — 12, 13, 14 августда — янги ахборот технологиялари учун — хусусий ЭҲМда МАТЕМАТИКА, бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш учун ДИКТАНТ.  
2-бошқич — 15, 16, 17 августда — хусусий ЭҲМда МАНТИҚИЙ СИНОВ МУЛОҚОТЛАРИ.  
3-бошқич — 18, 19, 20, 21 августда — РҲШУНОСЛИК-ПЕДАГОГИК СИНОВ МУЛОҚОТЛАРИ.

Маслаҳат машғулотлари — 1—10 август кунла-ри ўтказилади.  
Билим юртига қабул қилишда саралашчи барча бошқичларида тўплаган рейтинг натижалари асосий мезон ҳисобланади.

ҲУЖЖАТЛАР 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
Манзилимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10 «э», 85 «э», 44, 56, 88-автобус-ларнинг «Семашко номли илмоғ» бекаети).  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73.

## ДИҚҚАТ!

Иссиқлик тармоқларини 1992—93 йилги исйтиш мавсумига тайёрлаш муносабати билан  
7 апрелда — Октябрь, қисман Ленин районла-рида;  
8 апрелда — Собир Раҳимов, қисман Октябрь районларида;  
9 апрелда — Акмал Икромов райониди иссиқ сув таъминоти узиб қўйилган ҳолда сув қамайиши билан боғлиқ синовлар ўтказилади.  
9 апрелда — Сирғали райониди;  
10 апрелда — Ленин, Ҳамза, Сирғали районла-рида қисман;  
14 апрелда — Киров, қисман Собир Раҳимов, Чилонзор, Ленин, Фрунзе районларида;  
15 апрелда — Ҳамза райониди;  
16 апрелда — Куйбишев, Октябрь, Чилонзор районларида қисман;  
17 апрелда — Куйбишев, Чилонзор, Октябрь районларида қисман;  
21 апрелда — Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Чилонзор районларида қисман

босимнинг ортиши билан боғлиқ синовлар ўтказилади.  
Маълумотлар олиш учун телефон: 33-32-32.  
Тошкент иссиқлик тармоқлари корхонаси.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ТОШКЕНТ, ОРЖОНИКИДЗЕ ВА КАЛИНИН НОҲИА МАКТАБЛАРИНИНГ 9—10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЕ-ТЕХНОЛОГИ ОЛИЙ БИЛИМҲОҶИ  
олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўналтириш бўлими қошидаги лицейнинг 10—11-синфларига кимё фанига қизиқувчи аълочи ўқувчилардан биттадан синфга қабул қилади. Лицейга кимё ва математика фаилларидан ўтказилган сўхбатларнинг натижаларига қараб қабул қилинади. Лицей бит-туриш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар Тошкент кимё-технология олий билим-гоҳига кириш имтиҳонларини топширмадан тан-ловда қатнашиш ҳуқуқиға эга бўладилар. Лицей-га кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим эти-лади: олий билимгоҳ ректорига ариза, мактабдан тавсиянома, мактаб педагогика кенгаши тавсия-номаси, 086/У шақлдаги тиббий маълумотнома, ўтган чораклар учун баҳолар табелининг нусхаси, 34х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.  
Ҳужжатлар — 10 майгача қабул қилинади.  
Сўхбатлар 11—16 майда ўтказилади.  
МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛА-НАДИ.  
Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳ-дан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхон-тоҳур кўчаси, 10-уй, 5-хона.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ТОШКЕНТ, ОРЖОНИКИДЗЕ ВА КАЛИНИН НОҲИА МАКТАБЛАРИНИНГ 9—10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЕ-ТЕХНОЛОГИ ОЛИЙ БИЛИМҲОҶИ

## «ТАШГОРНАСТРАНС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАС ҲАМОСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҲАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИ-ГИ Р. Ж. УБАЙДУЛЛАЕВГА ОНАСИ

Иш-лаб чиқариш бирлашмаси ҳамоиси йўл ҳаракати ҲАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИ-ГИ Р. Ж. УБАЙДУЛЛАЕВГА ОНАСИ  
Иш-лаб чиқариш бирлашмаси ҳамоиси йўл ҳаракати ҲАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИ-ГИ Р. Ж. УБАЙДУЛЛАЕВГА ОНАСИ

Октябрь ноҳияси оқиқ оқиқ савдоси ташкилоти жамоаси 11-дўконинг 1-даражали сотувчиси  
Собир СОДИҚОВНИНГ  
вафот этганини муносаба-ти билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Урта тиббий ходимлар ва дорихоналар малакаси-ни ошириш билим юрти раҳбарлиги ва қисба уюш-маси ташкилоти билим юрти директори  
Абдурахим Мирхўнаевич МИРХўНАЕВНИНГ  
вафот этганини чуқур қай-ғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари-га таъзия наҳор қилади.

## ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИК АСОСИДА

ЧИЛОНЗОР районининг Ал-Хоразий мавзеи кун са-йин чирой очиб бормоқда. Бу ерда кейинги вақтларда кў-лаб замонавий меъморчилик асосида қурилган турар жой бинолари, маданый-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ва болалар майдончалари фойдаланишга топшириди.

## МУАССИСЛАР:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

## Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин ўзбек тилида чиқади.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларини бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

## Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўригини учун янавобарлиқ уларин берган ташкилот ва шахслар зинмасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик қорғони, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўномаси кўчаси, 41.